

**Religion and Pluralism in Central Asia:  
A Compendium of Research Papers Translated into Uzbek**

[ТОТУВ ҚЎШНИЧИЛИККА ОИД ГЛОБАЛ АҲДЛАШУВ САРИ: АҲДЛАШУВ ПЛЮРАЛИЗМИ  
ФАЛСАФАСИ БИЛАН ТАНИШУВ](#)

Кристофер Стюарт, Крис Сайпл, ва Деннис Р. Гувер

[additional papers forthcoming]

**About the Compendium:** This compendium consists of Uzbek translations of selected English language research papers commissioned by the Institute for Global Engagement (IGE). They are part of a series exploring prospects for covenantal pluralism around the world. The papers were translated by permission of IGE for noncommercial use as an educational supplement in IGE’s international educational programs. Further details and citation information for the final English versions can be found on the first page of each paper.



INSTITUTE *for* GLOBAL ENGAGEMENT

PO Box 12205  
Arlington, VA 22219-2205  
USA

<https://globalengage.org/>

## ТОТУВ ҚЎШНИЧИЛИККА ОИД ГЛОБАЛ АҲДЛАШУВ САРИ: АҲДЛАШУВ ПЛЮРАЛИЗМИ ФАЛСАФАСИ БИЛАН ТАНИШУВ

Кристофер Стюарт, Крис Сайпл, ва Деннис Р. Гувер

**Translation and citation info:** This is an Uzbek translation of an English language research paper commissioned by the Institute for Global Engagement (IGE). The paper was translated by permission of IGE for noncommercial use as an educational supplement in IGE’s international educational programs. The English language version of record has been published as: W. Christopher Stewart, Chris Seiple, and Dennis R. Hoover, “Toward a Global Covenant of Peaceable Neighborhood: Introducing the Philosophy of Covenantal Pluralism,” *The Review of Faith & International Affairs*, Vol. 18, No. 4 (Winter 2020): 1-17, <https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/15570274.2020.1835029>. (Copyright © IGE 2020.)

**Аннотация:** чуқур диний/мафкуравий тафовутлар шароитида тинч ва конструктив яшашга қаратилган глобал муаммо автоулов бамперига ёпиштирилган толерантлик шиорлар ёрдамида ҳал этилмайди. Ушбу эсседа сўнгги бир неча йил ичида Telpetin Religion Trust ҳайрия фонди томонидан тайёрланган “аҳдлашув плюралиزمи” деб номланган каттароқ мақола ҳақида умумлаштирилган маълумот берилган. Аҳдлашув плюралиزمи фалсафаси - бу ҳуқуқий тенглик ва яхши қўшничилик бирдамлигини ўзида акс этувчи фуқароликнинг пухта, алоқадор ва нонисбий парадигмасидир. У нафақат тенг ҳуқуқлик ва масъулиятларни белгилаган конституциявий тўзумга, балки ўзаро ҳурмат ва муҳофаза муносабатларига асосланган ҳамкорлик маданиятига ҳам чорлайди.

**Калит сўзлар:** плюрализм, нисбийлик, аҳд, ҳамкорлик, диний эркинлик, диний саводхонлик, толерантлик.

Атрофимиздаги сахемлар (қабила сардорлари) ва туб аҳоли билан тотув қўшничиликка оид аҳдлашув тўзим ва қайғу чоғимда менга ато этилган илоҳий иноят шарофати-ла ушбу жойни ПРОВИДЕНС (ИНОЯТ) дея атадим, зеро ушбу макон виждон амри буюрганини қилолмаганидан азобланган инсонлар учун паноҳ бўлишини истардим.

— Роджер Уильямс, 1636 й.<sup>1</sup>

Бизнинг дунёда зўравонлик қўлловчи экстремизм, диний ва этник миллатчилик, маданий қутбланиш, камсонли гуруҳларни ҳар нега балоғардон қилиш ва тафриқага етакловчи бошқа муаммолар тобора кўпайиб бормоқда. Pew Research Center (2018) ижтимоий фикр маркази маълумотларига кўра, дунёнинг 83% аҳолиси давлат томонидан дин эркинлиги юқори даражада чекланган ёки дин билан боғлиқ ижтимоий адоват шароитида яшамоқда. Шунингдек, Pew марказининг ахборот беришича, бутун дунё бўйлаб 11% ҳукуматлар “муайян диний гуруҳ аъзоларига қарши миллатчилик

<sup>1</sup> Барри бўйича келтирилган 2012, 220.

риторикасидан” фойдаланадилар. Ушбу рақамларни кўриб, Иккинчи жаҳон урушидан бери дунёда энг кўп сонли қочоқлар пайдо бўлганига хайрон бўлмайсан киши. Замин бўйлаб кўп мамлакатларда ўнг-қанотли маданий популизм, сўл-қанотли секуляр экстремизм, иммигрантларга қарши адоват, ҳамда диний ва ғоявий трайбализм ортиб бормоқда. Freedom Housенинг оғоҳлантиришча, либерал демократия ўз-ўзидан орқага чекинмоқда. Ташкилотнинг ҳар йили олиб борган кузатувларига кўра, мана 14 йилдирки глобал эркинлик даражаси пасайиб бормоқда (Реруссі, 2020).

Ушбу муаммоларнинг негизида чуқур хилма-хилликнинг доимий ва муқаррар ҳақиқати ётади. Шундай хилма-хилликдаги “толерантлик” борган сари шарафли ва зарур бўлиб бораверади. Лекин шуниси аниқки, биз дуч келаётган мураккаб муаммоларни ечимини топиш учун толерантликнинг ўзи етарли эмаслиги тобора равшанланиб бормоқда. Бундай табиат ва кўламга эга муаммоларни, барчага қарата “тотув яшайлик” ва “хилма-хилликни олқишлайлик”, деган жўн даъват билангина енгиб бўлмайди. Бизга соддалаштирилган плюрализмдан кўпроқ нарса керак бўлади. Бошқача қилиб айтганда, чуқур зиддиятлар билан тўла дунёда биз хилма-хиллик муаммоларини автоулов бамперига ёпиштирилган толерантлик шиорлари билан суваб кетишдан афзалроқ бўлган плюрализмнинг норматив фалсафасига муҳтожмиз.<sup>2</sup>

Ушбу эсседа биз *аҳдлашув плюралиزم*и деб номланган плюрализмнинг кенгрок концепцияси ҳақида умумлаштирилган маълумот берамиз (Стюарт, 2018; Сайпл, 2018a; Сайпл, 2018b), у бир неча йиллар давомида Templeton Religion Trust<sup>3</sup> ҳайрия фондида ишлаб чиқилган. Аҳдлашув плюралиزمи фалсафаси тинч-тотув яшашга бўлган одатий чақириқлардан ҳам кенгрок маънога эга бўлиб, чуқур зиддиятларимизга қарамай тинч-тотув ва самарали равишда биргаликда яшашни назарда тутувчи пухта, алоқадор ва нонисбий парадигмага таянади.

Аҳдлашув плюралиزمи ҳуқуқий тенгликка, қўшнилар ҳамжиҳатлигига асосланган фуқароликнинг яхлит шакли-шамоилини таклиф этади. У тенгҳуқуқликни ва масъулиятни белгиловчи конституцион тузум *ҳамда* ўзаро ҳурмат ва муҳофаза қилиш муносабатларни кўзда тутувчи ҳамкорлик маданиятига даъват этади.

Плюрализмнинг бундай кўринишига эришиш, албатта, жуда катта марра. Аҳдлашув плюрализм парадигмаси бир-бирига тиргак бўлиб турувчи ҳуқуқий тизимлар ва ижтимоий нормаларга эга бўлган идеал манзил мақомни кўзда туттади. Шунга қарамай, биз аҳдлашув плюрализмни оддий назарий мавҳумлик (абстракция) ёки

---

<sup>2</sup> Борган сари оммалашиб бораётган “COEXIST” ва “TOLERANCE” бампер стикерлари ҳар бир ҳарфни бошқа дин ёки тушунчанинг рамзи сифатида маҳорат билан тасвирланади. Бампердаги “COEXIST” стикерида, кўпинча, “С” ислом ярим ойи, “О” - тинчлик белгиси, “Е” - гендер белгиси, “Х” - Довуд юлдузи, “I” устидаги нуқта бутпараст пентаграмми, “S” ин-янг белгиси ва “Т” - христиан хоци. “TOLERANCE” версиясида – “Бунга ишон” шиори билан бирга - туб америкаликлар ва бахойларнинг рамзлари ва ҳаттоки илм-фаннинг бир ишораси мавжуд (охирги “e” – Эйнштейннинг  $e=mc^2$  формуласи бор).

<sup>3</sup> Templeton Religion Trust ( <https://templetonreligiontrust.org/>), штаб-квартираси Багама оролларида жойлашган сэр Джон Тэмплтон (2008 й.) томонидан ташкил топган ҳайрия фонди, жаҳон жамиятини теология, фалсафа ва илм масалаларига жалб этиш ва тадқиқотлар учун ташкил этилган, шунингдек индивидуал эркинлик, эркин бозор, шахс ривожланиши миқёсида молиялаштирилган лойиҳалар орқали инсониятни гуллаши учун ташкил этилган ва Тэмплтон Мукофоти таъсис эилган фонд.

утопик иддао демаган бўлардик. Бу сиёсий файласуфнинг ғайри-тарихий ёки реал воқеълик ва диний таълимотлардан узилган ҳаёлий маҳсули эмас. Балки биз таклиф қилаётган аҳдлашув плюрализм парадигмаси – дунёдаги кўпгина диний\мафкуравий анъаналарга ҳамоҳанг, жозибадор ва ҳаётий ҳолатларни ўз ичига олган ижтимоий-сиёсий интилишдир.

Шунинг учун биз аҳдлашув плюрализмни назарий томонидан эмас (гарчи бу ҳам муҳимдир), балки амалдаги аҳдлашув плюралистик қадриятларнинг тарихий тасвирини қисқа тавсифидан бошлаймиз.

Бир вақтлар пуританлар Массачусетсидан ҳайдалган эҳтимол энг муҳим нонконформист Роджер Уильямс ҳақида (1603-1683 йй.) сўз боради. Уильямс мустаҳкам плюрализм, виждон эркинлиги ва маданиятлар-аро ҳурмат тамойилларига асосланган Род-Айлендга асос солди. У ушбу тамойилларни ўзининг христианлик эътиқодига қарши бориш билан эмас, балки шу эътиқод туфайли тарғиб қилди - ва бу тамойилларни нафақат христианлар орасида қўллади, нафақат Иброҳимий динларга мансуб кишиларга ёйди, балки Американинг туб аҳолиси эргашган динлар вакилларига ҳам етказди. 17 асрдаги Род-Айленд турмуш тарзида, табиийки, бундай тамойиллар у қадар акс этмаган бўлсада, ҳарҳолда у ерни диний ва дунёвий қараши бир-биридан ўта фарқли бўлган инсонлар муросада ва ҳаморликда биргаликда яшаши мумкин бўлган фуқаролик тузумнинг муҳим ва ибратли мисоли бўлган дейиш мумкин (гарчи ибтидоий шаклда бўлсада), чунки улар ўз диний анъаналарини эркин адо эта олардилар (қилиш керак бўлган вазифа) ва биргаликда барқарорлик бўлган умумий эҳтиёжни ҳам таъминлардилар (барчанинг манфаатидаги ҳолат).

Шундай кириш сўзидан сўнг, биз Templeton Religion Trust ҳайрия фонди асосида ётган “Аҳдлашув плюрализм” концепциясини батафсил кўриб чиқишга ўтсак.

Биринчидан, биз “плюрализм”га ёндошишнинг тузоқларини кўриб чиқсак, гўё у атиги нисбий толерантлик, бепарво экуменизм ёки эклектик сенкретизм билан синоним бўлганидек. Иккинчидан, биз Совуқ уруш тугаганидан кейин глобал ижтимоий ҳаётда диннинг қайта тикланиши плюрализм асосларини тарқалишида катализаторлик қилганлиги ҳақида қисқача маълумот берамиз. Учинчидан, биз “аҳдлашув” ибораси нимани англашини (ва нимани назарда тутмаслигини), шунингдек қандай асосий шароитлар аҳдлашув плюрализмига йўл очиб бериши ҳақида батафсил тўхталамиз. Биз аҳдлашув-плюралистик қарашнинг глобал қўлланишини ва мослашувчанлигини кўриб чиқамиз.

### **Энг гуллаган фуқаролик штати: Роджер Уильямс мисоли ва “Тинч-тотув қўшничилик аҳди”**

Америка ривоятларида пуританлар диний эркинлик излаб Атлантика уммони оша Америкага келишган, лекин аслида улар ҳамма учун баравар бўлган диний эркинлик тузумида яшашни истамас эдилар (бу муҳит Голландия етарли даражада мавжуд эди). Дарҳақиқат, Жон Уинторп нимани излаётгани яхши билар эди: “ҳам фуқаролик, ҳам

черков бошқаруви остида биргаликда осуда яшаш ва оилавий ҳаётни яратиш учун бўлган жой” (Gaustad 1999, 23). Массачусетс штатининг руҳонийларидан бири айтганидек, бизнинг колония “Исроилнинг шарафли даврларига иложи борича яқинроқ бўлган теократияга интилади” (Barry, 2012, 169). Теократия масаласида Массачусетс нисбатан юмшоқроқ муносабатда бўлган. Аммо Массачусетс жинойтчиға чиқарилган баптистларға, осиб ўлдирилган квакерларға ва пуританлар қистови билан қатл этилган “жодугарлар”ға бундай юмшоқ муносабатда бўлмаган.

Уильямс қарашлари ҳукмронлик қилган сиёсий теологиядан анчагина фарқ қиларди. Уни фикрича Массачусетсдаги черков Англия черковидан ажратилган бўлиши, черков ходимлари ва давлат хизматчилари Худо номи билан қасамёд келтирмасликлари, Англия қироли эса Америка туб аҳолисининг ерларини тасарруф қилмаслиги ва солиқдан тушган пуллар руҳонийларға берилмаслиги керак эди. Аввало Уильямс виждон эркинлигига ишонар эди ва дин учун ҳам, давлат учун ҳам фаровонлик виждон эркинлигига боғлиқ деб билган.<sup>4</sup>

1636 йилда Бостон шаҳар ҳокимиятининг тоқати тоқ бўлди ва Рожер Уильямсни Англияға бадарға қилиш фикри туғилди. Уильямс қочишға улгурди ва Наррагансет кўрфазига оқувчи дарёлар бўйлаб яшовчи ҳинду дўстлари орасида қўним топди, яшаётган ери учун эса туб аҳолиға пул тўларди. Бу ерга у Провиденс деб ном қўйди, чунки у “атрофимиздаги сахемлар (қабилла сардорлари) ва туб аҳоли билан тотув қўшничиликка оид аҳдлашув” тузди ва қайғу чоғида унга “илоҳий иноят ато этилган” эди.<sup>5</sup> Уильямс ушбу колония “виждон амри буюрганини қилолмаганидан азобланган инсонлар учун паноҳ бўлиши”ға умид қилган эди (Barry, 2012, 220).

Унинг модели 17 аср асносида нафақат ҳайратомуз даражада инклюзив, балки экспансив ҳам эди, чунки у ушбу моделни ўзи яратган колония ташқарисида ҳам таратиш умидида эди. “Бу Худонинг иродаси ва амри, чунки (Исо пайғамбарнинг келганидан бери) барча давлат ва элатлардаги барча инсонларға бутпарастлар, яҳудийлар, туркийлар ва антихристиан таълимотларға рухсат берилганди” деб ёзганди Уильямс (Rowley, 2017, 69). Шу билан бирға у анархист бўлмаган. У давлатнинг ҳавфсизлиги ва барқарорлиги зарурийлигини тушунган ва тўғри шароитда эркинлик ва ҳавфсизлик ёнма-ён бориши кераклигини айтган. Бу ҳақда Уильямс 1655 йил январ ойида Провиденс шаҳриға ёзган хатида баён этган:

---

Шундай кунлар келадикки, католиклар, протестантлар, яҳудийлар ва турклар битта кемаға чиқишади. Шундан келиб чиқиб, таъкидлайман, мен айтган виждон эркинлиги иккита нарсаға асосланади – католиклар, протестантлар, яҳудий ёки туркларни, уларни

---

<sup>4</sup> Бу бобнинг қисмлари Сайпл сайтдан олинган, 2012.

<sup>5</sup> Шунни айтиш жоизки, тотувлик мавзуси 100 йилдан сўнг Хэлфорд Джон Маккиндерда пайдо бўлади. 1919 йил бошларида у Версал тинчлик шартномасиға таъсир қилмоқчи бўлганини таъкидлаган: “Қўшни” деган буюк сўз деярли унутулиб кетди.” Бугунги кунда жаҳон бизларни айнин қўшничиликка (тотувликка) қақиради..... Келинг жаҳон географияси қуллари бўлмаслик учун ўзимизға ўзлимизни қайтарайлик..... Ватандошларимизға нисбатан қардошлик бурчимизни бажариш – бахтли фуқароликнинг ягона умиди” (Маккиндер, 1919).

ҳеч бирини кемадаги ибодатларга мажбурлаш мумкин эмас ва иккинчидан, агар уларнинг адо этиладиган ибодатлар бўлса, уларга халақит бериш мумкин эмас. Шунингдек, қўшимча қиламанки, кема капитани виждон эркинлигини чегараламасдан ўз йўлида давом этиши, кемадаги денгизчилар ва йўловчилар орасида адолат, тинчлик ва хотиржамликни сақлаши шарт. (Davis, 2008, 278)

Бошқача қилиб айтганда, сиёсий ҳокимиятга эга бўлган шахслар фуқароларга қандай эътиқод қилишлари хусусида кўрсатма беришга ҳаққилари йўқ (Уильямс бу ҳолатни “қалб устидан зўравонлик деб атади”) ҳуддики фуқаролар эътиқод қилиш ҳуқуқидан фойдалансилар ва ушбу эътиқод амалларини адо этишда масъулият билан ёндошсинлар деган талаб бордек. Унинг фикрича, мажбурий сиғиниш “Худонинг димоғи учун ёқимсиз ҳид кабидир” (22 июнь 1670 йилдаги Major John Mason хати, Barry иқтибос олган, 2012, 336) бу албатта фуқаролар ғалаёнига олиб келади. Виждон эркинлиги эса, аксинча ҳақиқий фуқаролик бирдамлигига ва вафодорликка олиб келади. 1663 йилдаги Род-Айлен Низомида шундай дейилган: “колония ҳаётини тажриба майдони ўлароқ, фуқаролик штати фаровонлиги диний масалаларда тўлиқ эркинлик бўлгандагина бардавомдир” (Seiple ва Hoover 2004, vii ).<sup>6</sup>

Айтиш муҳимки Уильямс сиёсий плюралист бўлмаган, чунки у пуритан теократларга нисбатан ўзининг диний қарашларида қатъий бўлмаган. Унинг диний қарашлари ва сиёсий интуициялари унинг Библияни тушунишига чамбарчас боғлиқ эди. Уильямс ҳаётини ўрганган олим Джон Баррининг (2012, 225) қайд этишича “унинг [Уильямснинг] ҳар бир хатидаги ҳар бир параграфда албатта Худонинг номи тилга олинар эди”. Эътиқод, Худога бўлган муҳаббат ва Муқаддас китобни билиш у ёзган хатларининг ажралмас қисми эди. ... “Унинг ҳаёти Худони излаш билан ўтди; бу изланиш у ҳар куни нимани ўйлашини, ёзишини, қилишини белгилаб берган”. Тарихчи Мэтью Роулинг (Matthew Rowley, 2017, 68) айтишича, Уильямснинг олти жилдли ёзувларида ва икки жилдли хат ёзишмаларида “Муқаддас битикдан олинган иқтибоссиз, фикрларсиз баён этилган абзац деярли бўлмаган”.

Аслини олганда, Уильямс пуританларнинг аксар теологик ғоялари тарафори эди (Davis , 2008), аммо диний плюрализм ва сиёсий тузум ҳақида сўз кетганда у мутлақо бошқа хулосаларга эга эди. Мирослав Вольф (Miroslav Volf 2015, 151–152) фикрича, Уильямс ҳам, Джон Уинтроп ҳам “диний эксклюзивизм тарафдорлари бўлганлар. Бироқ, Уинтропнинг диний эксклюзивизми сиёсий эксклюзивликка етаклади, Уильямснинг диний эксклюзивизми эса сиёсий плюрализмга олиб келди”. Уильямснинг бир вақтни ўзида теологик масалада диний эксклюзивист ва ижтимоий-сиёсий муносабатларда плюралист бўлганлигига урта мисол бор.

Биринчи мисол - Уильямснинг туб америкаликларга нисбатан муносабати. Бир томондан, Уильямс христианларнинг Муқаддас китобига қатъий ишонган ва уни инсонларга етказишни –христианликни қабул қилишга чақиришни ўз бурчи ва

---

<sup>6</sup> Уильямснинг Диний толерантлик ҳақидаги ғоялари Джон Локка таъсир қилди, ўз навбатида Қўшма Штатларни асосчиларига катта таъсир қилди. Уильямс, Локк ва Гоббс таққосланиши, Бежан, 2017 қаранг.

вазифаси деб билган. Лекин иккинчи томондан эса, “Буюк топшириқ” хақидаги фикрларини туб америкаликларга нисбатан ҳурматсизлик позициясига айлантормаган. Уильямс фикрича “табиат европаликларни ва америкаликларни қонига, наслига, танасига қараб фарқламайди, Худо битта қондан бутун инсониятни яратган”. (Gaustad,1999,28). У, шунингдек, маҳаллий аҳолининг тилини ўрганмагунча, ўз эътиқоди ҳақида уларга гапирмади. Баррининг (Barry 2012, 157) ёзишича, Уильямс “христианлик нима эканлигини тўлиқ англамасдан христиан бўлиш мумкин эмас, деб ҳисоблаган ва ўз эътиқодни тушунтириши учун етарли даражада ҳиндуларнинг тилини ўрганмагунча дин ҳақида гапиришдан ўзини тийган”.

Иккинчи мисол --- Уильямснинг квакерларга нисбатан муносабати ва сиёсати. Теологик жиҳатдан, Уильямс квакерлар масаласида бошқа пуританлар билан ҳамфикр бўлган, яъни Уильямс квакерларни ёқтирмас эди (Barni, 2012). Уильямс фикрича, квакерлар “Исо Масих эмас, балки ўзлари ҳақларида тарғибот олиб боришар эди” ва уларнинг таълимоти шаккоклик эди холос ( Gaustad 1999, 183). Бироқ, Уильямс бу жиддий диний келишмовчиликни квакерларнинг сиёсий таъқибига айланиб кетишига йўл қўймади. ( Bargi, 2012). Массачусетдан фарқли ўлароқ, Род-Айлендда квакерларга яхши муносабатда бўлишган. Шунингдек, у квакерлар билан мунозаралар олиб борган. Масалан, квакерларнинг теологик қарашлари ҳақида Уильямс ёзган баён улар томонидан рад этилмаган (Barry , 2012).

Учинчи мисол - Уильямснинг виждон эркинлигига бўлган садоқати, баъзи ҳолатларда, чуқур сингиб кетган патриархал урф одатларни ҳам бекор қилишга етарли бўлган ушбу садоқатни намойиш этувчи эпизод. 1636 йилда Род-Айлен ташкил топганидан икки йил ўтгач, Роджер ва Мери Уильямснинг қўшнилари Джошуа ва Джейн Верин Уильямснинг уйида жойлашган черковга чиқмай қўйдилар. Джейннинг черковга чиққиси келар эди, лекин Джошуа бунга тақиқларди. Бу жамоа ташвишига айланди, зеро бу ҳолат барча рози бўлган аҳдлашувга зид эди. Охир-оқибат жамоа аҳдлашув шартларига содиқ қолди. Джейн Верин - эрисиз ёки унинг розилигисиз черковга боришни давом эттирди (Эберле , 2004).

Уильямс ҳақида кўп гапириш мумкин, аммо юқоридаги мисоллар Уильямснинг виждон эркинлиги ва “тинч тотув қўшничилик” ҳақидаги ғоялари бугун биз аҳдлашув плюралиزمи деб атаган фалсафанинг дебочаси эканлигини тушуниш учун етарли бўлса керак.

Хатто, Уильямснинг қарашларини “ўзига хос” деб айтишимиз мумкин. Бироқ, “ўзига хос” деганда биз “Америка эксклюзивлиги” (Hoover, 2014) риторикасининг ажралмас қисми бўлган иддаоларни назарда тутмаяпмиз. Бизнинг фикримизча, Уильямс илгари сурган аҳдлашув плюрализмининг 17-асрдаги қарашлари ўзига хослиги “америкача” қарашларини акс эттиргани учун эмас, балки бугунги кунда дунёда долзарб бўлиб қолаётган ва хилма-хил маданий контекстларда амалий жиҳатдан эришиш мумкин бўлган парадигманинг дастлабки кўриниши бўлганлигидадир.

Афсуски, Америка сиёсий маданияти ва институтларининг жорий аҳволига қараб хулоса қиладиган бўлсак, Қўшма Штатлар “мукамалроқ иттифоқ” сари интилишларида Уильямс очган йўл орқали юрмадилар. Масалан, Рен тадқиқот марказининг диний чеклаш вазияти бўйича иккита глобал индексларини кўриб чиқамиз. Улардан бири ҳукуматлар тарафидан жорий этилган диний чекловларни ўлчайди, бошқаси эса дин билан боғлиқ бўлган ижтимоий адоватни (Рен, 2018). Тўғри, бу индексларнинг ҳеч бирида Америка Қўшма Штатлари “қўйи” поғоналардан жой эгалламаган. Аксинча, Қўшма Штатлар ва бошқа бир қанча ғарб либерал давлатлар билан биргаликда ўрта поғоналарда жойлашган.

Дунёнинг жанубий минтақаларида жойлашган кўплаб но-ғарбий бўлмаган мамлакатлар борки, уларда диний чекловлар ва ижтимоий адоватнинг Қўшма Штатлардаги каби ёки пастроқ кўрсаткичлари мавжуд. Хулоса шуки, барча мамлакатлар, географик жойлашув ёки ички ялпи маҳсулотдан қатъий назар, диний/ мафкуравий хилма-хиллик тақдим этаётган муаммолар ва имкониятлар йўлидаги танлов қилиш заруриятига дуч келмоқдалар.

Бундан ташқари, аҳдлашув плюрализм йўли “янги” ёки номаълум йўл эмас. Аслида, бутун дунёда хилма хил маданиятларга ва тарихий тажрибаларда жо бўлган яққол белгилар бўлиши мумкин. Масалан, Хиндистон тарихидан машҳур мисол: хилма-хилликка хайрихоҳ муносабати билан танилган Буюк Мўғуллар императори Акбар (1542-1605 йй. ) диний хилма-хиллик тарафдори бўлган. А.Л.Башам (А.Л.Башам 1954, 482) таъкидлашича,

*(Акбар) империя фақат тўлиқ толерантлик асосида мавжуд бўлишини тушунган. Барча диний текширувлар ва чекловлар тўхтатилди, шу жумладан ғайри муслимларга бўлган жазъя солиғи олиб ташланди. Ражпут шаҳзодалари ва бошқа хиндларга исломни қабул қилмасалар ҳам давлатнинг юқори лавозимлари берилди... Агар Ҳиндистоннинг энг буюк ҳукмдорларининг сиёсати уларнинг ворислари томонидан давом этилганда мамлакат тарихи бошқача бўлиши мумкин эди.*

Плюрализм мисолларини, албатта, янги ҳинд тарихида топиш мумкин, жумладан 1949 йилда қабул қилинган Ҳиндистон конституциясида<sup>7</sup> мавжуд, аммо афсуски, улар Ҳиндистонда бугунги кунда учраб турган диний миллатчилик ва диний зўравонлик соясида қолиб кетди.

Содда қилиб айтганда, аҳдлашув плюралиزمи сари чақириққа жавобан қайсидир маънода янги нарса эмас, балки қайта кашф этилиши лозим бўлган масаладир, инқилоб эмас, балки қайта тиклаш талаб қиладиган масаладир. Аммо, шунга карамай, аҳдлашув плюралиزمи йўлини албатта босиб ўтиш керак. Бошланишига аҳдлашув плюралиزمи шунчаки “толерантлик”дан ташқари зиддиятлар ва тафовутлар учун қулайлик даражасини талаб қилади.

---

<sup>7</sup> Singha , 2017 қўшимча ресурсларга қаранг.



## Нега толерантлик етарли эмас

Бизнинг глобаллашаётган дунёмизда тез ўсиб бораётган хилма-хилликлар орасида “толерантлик” тараққиётнинг умумий норма сифатида зарур. Бундан ташқари, толерантликни ҳимоя қилувчи инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар мавжуд, масалан, БМТнинг Муросасизлик ва камситишларнинг диний мансублик ва этиқод билан боғлиқ барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги декларацияси. Аммо чуқур хилма-хиллик шароитида яхши яшаш учун факат толерантлик етарли эмас. Дарҳақиқат, минималист ва танқидий бўлмаган “толерантлик” тушунчалари аслида ҳақиқий ва барқарор плюрализмга зид бўлади. Ушбу муаммолар учтага бўлинган.

Биринчидан, “толерантлик” нуқтаи назаридан империативни шакллантириш имтиёз, ҳатто тавозеъ мақомини кўзда тутуди. Ҳеч ким унга шунчаки “тоқат қилишларини” истамайди, яъни унинг ҳозирлиги маълум ижтимоий-сиёсий тизимда истаксиз ва мажбуран қабул қилинишини ҳоҳламайди. Одатда биз бел оғриги ёки тиш оғриги каби нарсаларга “тоқат қиламиз” ва имконият пайдо бўлиши билан улардан халос бўламиз. Барча одамлар ўзларини тенгҳуқуқли деб биладилар ва ўзига хос инсоний кадр-қиммати ила ҳурмат қилинишни ҳоҳлайдилар. Бундан ташқари, бундай эмпатик тенглик тури, айниқса, демократия шароитида ижтимоий равнақ топиш учун жуда муҳимдир. Жорж Вашингтон бунини 1790 йил 18 августда, Род Айлендинг Ньюпорт шаҳридаги яҳудийлар жамоасига ёзган машҳур мактубида тан олган: “Хамманинг виждон эркинлиги ва фуқаролик дахслизлиги бир хил. Энди толерантлик деганда бир тоифадаги одамларнинг миннатли мулозамати ила бошқа бир кишининг ажралмас табиий ҳуқуқларидан фойдаланишга имкон беришни тушунмаслик керак.”<sup>8</sup>

Толерантликка бўлган сийқаси чиққан чақириқларнинг иккинчи муаммоси шуки улар диний саводсизликнинг ўта ҳавотирли даражаси очиб қўйишидир.

Табақалаштирилмаган толерантлик ғоялари диннинг моҳияти ва диний тафовутлар тўғрисида соддалаштирилган фикрларни намоён этади. Диний урф-одатлар ва дунёқарашни ҳар қандай жиддий ўрганилиши дарҳол чуқур хилма-хилликни очиб беради. Аммо хамма динлар бир хил эмас ва баъзи келишмовчиликлар муросага келмайди.

Кўп дин бўлган воқеликларга кўзларни катта очиб қараш зарурлигини узоқ вақт таъкидлаб келаётган таниқли олим - Стивен Протеро, “Худо ягона эмас” номли китоб муаллифи (Prothero, 2010a). Протеро (2010b) ушбу китоб ҳақида Religion Dispatches берган интервьюсида диний-саводсизлар тушунчасидаги толерантлик муаммосини қисқача шундай баён этади:

(Аспирантурада).

---

<sup>8</sup> Бу хатни тўлиқ матнини “Founders Online” бобида Миллий архив сайтида қаранг: <https://founders.archives.gov/documents/Washington/05-06-02-0135>.

Мен бир неча бор профессорлардан “барча динлар битта тоққа чиқишнинг турли йулларидир” деган гапни эшитганман: Бу гап менинг мантиқимга тўғри келмас эди. Менинг дўстларим орасида яҳудийлар, муслмонлар, насронийлар ва атеистлар ҳам бор эди ва ҳеч биримиз бир-биримизнинг фикримизга қўшилаемиз деган хаёлларга бормас эдик...

Асосий аргумент (Худо ягона эмас деган иддаога) шундаки, дунё динлари турли тоғларга турли асбоб ва йўллар билан кўтарилишидир. Янги атеистлар ва либерал мултикультуристларнинг нуқтаи назаридан бири шундаки, ҳамма динлар моҳияти бир хил (бир томондан ёлғон ва зарарли, бошқа томондан ҳақиқий ва чиройли) Мени фикримча, бу нуқтаи назар жуда ҳавфли, ҳурматсиз ва ҳақиқатдан йироқ.

Христианлар Маккага ҳажга бормайдилар, муслмонлар эса Тринити (учлик) ақидасини тасдиқламайдилар. Бундан ташқари, Ҳаж зиёратига бориш муслмонлар учун периферик амаллардан эмас - аслида бу исломнинг бешта устунларидан бири. Исо Масих Худонинг ўғли эканлигига ишониб христианлар учун оддий бир гап эмас - аслида бу Инжилнинг қалбидан ўрин эгаллаган ақида. Унда гап нимада? Толерантлик (тоқат қилиш) - агар сиз ҳатто нимага тоқат қилаётганингизни тушунмасангиз - қуруқ бир мулозаматдир.

Йўлигагина қилинган толерантликнинг учинчи ва эҳтимол энг муҳим муаммоси шундаки, у *бепарволик* билан тез бирлашади. Сэр Джон Темплтон, Templeton Religion Trust фондининг асосчиси, “толерантлик” деб аталадиган кўп нарса аслида жуда мўрт бўлиши мумкинлигини яхши биларди. У инсониятнинг барча соҳаларда, шундан дин соҳасида ҳам тараққиёти кўп жиҳатдан конструктив рақобатга, яъни фарқларни эътиборсиз қолдириш эмас, билан уларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш лозимлигига қатъий ишонган эди. Сэр Джон шундай деб ёзган эди:

*“Толерантлик илоҳий фазилят бўлиш мумкин, лекин у бефарқлик воситасига ҳам айланиши мумкин. Миллионлаб одамлар турли динларга нисбатан толерантликни маромига қўядилар. Аммо камдан-кам ҳолларда бундай одамлар тарихда бунёдкор, саҳоватпеша ёки тараққиётнинг етакчиси сифатида қоладилар.... Биз ён қўшимизнинг ўз тушунчалари билан ўртоқлашиши ва бизга унинг ўз ҳаётини ўзгартирган ёрқин нурни, қалбидаги оловни етказишини хоҳлашимиз керак эмасми? Нега фақат толерантликнинг ўзигагина асосланган диндаги оммабоп бўлмаган фазилятга мурожаат қилишимиз керак? Бизга толерантликдан кўра, балки конструктив рақобат кўпроқ керак. Инжилдан илҳомланган одамлар ўзларининг энг яхши ҳазиналарини ўз яқинлари билан баҳам кўриш учун рақобатлашганда, ҳамма манфаат топмагайми?”* (Templeton, 2000, 122-123).

2016 йил чиққан “Тафовутлар билан яшаш: бўлинган дунёда жамият қуриш” китобида Адам Селигман, Рэйчел Вассерфалл ва Дэвид Монтгомери шуни таъкидлашадик, бугунги толерантлик ҳимоячилари кўпинча диний тафовутларга худди эстетик танлов масаласига бўлган муносабатни билдиришади.

*Ҳозир ҳам биз тафовутлар билан ҳамкорлик қилиш ўрнига уларни инкор этаемиз, шу сабабли аралашмаслик бизнинг ижтимоий ҳаётимизнинг моҳиятидир. Қайсидир*

*маънода тафовутларни инкор этиш бу биз учун бошқача бўлган нарсаларга бефарқ бўлишнинг бир шакли. Ўзга одамнинг позициясидан ёки ҳаракатларидан фарқли нуқтаи назарни шакллантириш орқали биз ўзимизни бунда иштирок этишдан озод қиламиз ва бефарқликдан сақланишимиз мумкин. Бундай ҳаракатларда толерантлик аслида кам, шунинг учун реалликда улар тафовутлардан йироқ. Эҳтимол, улар замонавий жамиятдаги тафовутлар муаммосини ҳам англашга, ҳам ечишга қодир эмасдир. (Seligman, Wasserfall, Montgomery, 2016, 8–9)*

Қисқаси, бизнинг давримиз муаммоларини ҳал қилиш учун фақат бефарқлик ва қўпол релятивистлик билан суғорилган “толерантлик” етарли эмас.

### **Диннинг “қайтиши” ва плюрализм назариясига эҳтиёж**

“Толерантлик” тушунчасининг шунчаки машина бамперига ёпиштирадиган қоғоз сифатида оммабоп бўлиб кетиганини тушунтиришга кўмак берувчи ҳолат - бу секуляризация назариясининг доимий маданий кучи, айниқса илмий муҳитда унинг услубий таъсиридир. Секуляризация назариясининг асосий шартлари шундаки, замонавийлаштириш динни ҳам маданий, ҳам эпистемологик жиҳатидан емиради, яъни замонавий шароитда дин бутунлай тарк этилган ёки ҳам психологик, ҳам маданий, ҳам сиёсий томондан орқага сурилган бўлади. Динга ва ҳар қандай диний амалиётларга “Толерантлик” дин ҳақидаги тушунчанинг маънан камайиши ва кенг оммалашишининг табиий натижасидир.

Қизиғи шундаки, кўпгина социологлар секуляризация назариясини қўллаб-қувватламадилар. Бунга марҳум Питер Бергер асарлари секуляризация назариясини парадигматик даражада олиб чиққан буюк социолог мисол бўла олади. Аммо 1990 йилларда Бергер секуляризацияни инкор этиб плюрализация назарияси секуляризацияни замонавий дин тушунчаси сифатида қабул қилмаслигини таъкидлаган.

“Давримизнинг кўплаб меҳроблари: диний парадигмадан плюрализм даврига” китобида Бергер (Berger 2014) модернизация қилиш диннинг таназзулга учрашига олиб келмаслиги керак деган, аммо бу шуни англатадики, ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ одамлар палапартиш равишда рақобатдош эътиқодлар, қадриятлар ва турмуш тарзи орасида яшаши керак. Плюрализм даврида бунини “ғарбий” феномен сифатида қабул қилмаслик керак. Заминнинг жанубидаги мамлакатларда ҳам, айниқса, урбанизация ва миграция кучайиб бораётгани сабабли, плюрализацияни бошдан кечирмоқдалар. Плюрализация жараёни муқаррар равишда замонавий инсонни турли тафовутлар билан тўқнашишга мажбур қилади. Баъзилар учун бу ташвиш ва безовталаниш манбаи бўлиши мумкин.<sup>9</sup> Бунини эпистемик ва ахлоқий аниқликка путур етказиш деб айтиш

---

<sup>9</sup> Бироқ, ўз-ўзидан равшан бўлган диний “тақдир” нинг замонавий шароитларида ва ноаниқлик ва “танлов” нинг замонавий шартлари орасидаги фарқни олдини олиш керак. Роберт Хефнер (Robert Heffner 2016, 16) таъкидлаганидек “аҳоли сони кўп бўлган диний дунёларда ҳаммани ибтидоий субъектлар” сифатида кўриш хато бўларди” Шунингдек, қаранг Дуглас (1970) “Тақводор ибтидоий одам ҳақидаги миф.”

мумкин. Уларни олдинга қараб ҳал қилиш ўрнига, аксинча онг қаърида қолиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишга мажбур қилади. Технологик ўзгариш бу динамикани тезлаштиради ва маънавий ва психологик табақаланиш туйғуларини кучайтириши мумкин.

Бергер замонавий муаммоларни ҳал қилишнинг иккита умумий, аммо ўта муаммоли стратегиясини муҳокама қилди: фундаментализм ва нисбийлик. Бергернинг фикрича фундаменталист – бу ижтимоий ва сиёсий воситалар ёрдамида маънавий/эпистемик аниқликни тиклайди. Бошқа томондан релятивист - бу мафкурани ахлоқий эквивалентлик, холислик ва “толерантлик”дан яратувчи шахс. Биринчиси ҳавфли ва иккинчиси маъносиз бўлган қутбларнинг бундай таърифи билан Бергер (2014, 15) “фундаментализм ва нисбийлик ўртасида мувозанат сақлаш ва легимитацияни (қонунлаштиришни)” қўллаб -қувватлаган. Бергер ҳақли равишда ( бизнинг фикримизча) бу манзур бўлмиш мувозат плюрализм шакли бўлади деб ҳисоблаган. Аммо “плюрализм” фойдасига бўлган ҳар қандай далил дарҳол муҳим терминологик муаммога дуч келиши мумкин, яъни замонавий дин шароитида кўпинча “плюрализм” сўзи ишлатилади. Илмий маънода ва оммабоп нутқда, “плюрализм” маълум бир малакаси зикр этилганда, бу сўзга атаб қуйилган одатий маъно релятивизм маъносидир. Бу эса Стивен Протеронинг (2010b) “биз барчамиз битта тоғ чўққисига кўтариляпмиз” деган гапига ва “ёлғон плюрализм”ни инкор этишига тенг. Унда шундай савол пайдо бўлади: Ҳақиқий плюрализм нима? Агар “плюрализм” сўзи бир маъноли бўлмаса, уни даражасини қандай белгилаш ёки баҳолаш мумкин?

### **Кўп қиррали плюрализм**

Совук уруш тугаши билан бир зумга “тарихнинг охири” - либерализмнинг глобал ғалабаси ва унинг индивидуализм, рационализм, қонунчилик ва бошқа конструктив атрибутлари тўғрисида бош қотирадиган оптимизм (некбинлик) пайдо бўлди. Келажак тезда либерал тартибни умумлаштиришга эмас, балки маданий ва сиёсий балканизацияга айланди. Сўлда ҳам, ўнгда ҳам учраётган назариётчилар, плюрализм фалсафасини асосан эмпирик фактларга кўпроқ мос келадиган ва глобал хилма-хиллик шароитда меъёрий мувофиқлик ва функционал консенсуснинг янада яхши шакллантириш зарурлигини тобора кўпроқ англай бошладилар.

Натижада, айниқса, сўнги ўн йил ичида ижодий ва интеллектуал жиҳатдан жуда самарали бўлган кўп сонли плюралистик назариялар пайдо бўлди. Замонавий адабиётда плюралист фикрнинг хилма-хиллиги, масалан: -этиқодларнинг плюралиزمи (Inazu, 2016; В.Keller ва Inazu, 2020)

- дадил плюрализм ( Ratel, 2016, В.Ratel, 2018, Gelss, 2020; Parel, 2020)
- прагматик плюрализм (L Patton, 2018; L.Patton, 2006)
- чуқур /агонистик плюрализм (Sonnoliy, 2005)

- принципал / фукаролик/тизимли плюрализм (Monsma, 1992, Skillen, 1995, Chaplin, 2016; Soper, den Dyuk va Monsma a, 2017; B. Kerlson - Thies, 2018)
- инклюзив плюрализм (Marsden, 2015)
- “принципал масофа” плюрализми (ёки “ҳинд модели”) (Vxargava, 202)
- “диний уйғунлик”/ тартибда солинадиган плюрализм (Neo, 2020)
- “сиёсий секуляризм (дунёвийлик)” плюрализми (Teylor, 20103B Maklure va Teylor, 2011)
- “тафовутлар” плюрализми (Mahmood 20163, Shakhman Hurd 2015).
- “Биргаликда турлича яшаш” плюрализми (Seligman, Wasserfall "Montgomery, 2016)
- “мажбуриятлар тўқнашуви” плюрализми (Ecknd, B ( санаси йук). Eck , 2020)
- “глобал оммавий майдон” плюрализми (Gunnnes, 2013) ва бошқалар.

Замонавий плюрализм тўплами бир неча муносабатларда ўзаро плюралистикдир. Масалан, плюрализмнинг айрим турлари узоқ ва таъсирчан фалсафий насабга эга, бошқалари эса камроқ барқарор. Улардан баъзилари кўпроқ плюрализмнинг барча диний ва дунёвий қарашларда тизимли ва позитив ҳуқуқий аспектларга эга, бошқалари эса фарқлари кўп бўлган ҳаётнинг маданий, реляцион, ҳиссиётли ва маънавий томонларига қаратилган. (Brink, 2012) Баъзилари кўпроқ ғарбий либерал демократия тарафдори (айниқса Қўшма Штатларда). Айни дамда баъзилари мавҳум универсал ёки ғарбий бўлмаган йўлни тутишади.

Баъзилари плюралистик шароитда сиёсий ёки теологик консенсуснинг даражасига катта эътиборни қаратадилар, бошқалар эса минималистик консенсусни назарда тутишади. (Қиёслаш учун замонавий плюрализм ғояларини турли йўналишлари Joustra, 2020)

Шунга қарамасдан плюрализмларнинг кўпчилиги бир хил асосий негизга эга, улар соддалаштирилган релятивизмдан йироқ, хилма-хиллик чақириқларга фатализм билан эмас, балки реализм билан ёндошадилар ва дин билан дунёқарашнинг ўзаро принципаллигига таянган позитив (ижобий) плюрализмни талаб этадилар. Масалан, сиёсий амалиётчи Уильям Коннолли (William E. Connolly) ишлаб чиққан “чуқур плюрализм” назариясини оламиз. Коннолли зиддият ва рақобатнинг маълум миқдори инсон мавжудлигининг ажралмас қисмидир, лекин муқаррар қарама-қаршиликлар тинч, самарали, ижтимоий оқибатларга олиб келади деб таъкидлайди. Коннолли фикрича, реалистик, лекин позитив (ижобий) плюрализм *битта трансценденция шакли хамма жойда стандартга айланган оддий универсализмда пайдо бўлмайди, ёки битта дин бу ерда ҳукмрон, бошқа дин у ерда ҳукмронлик қилган маданий релятивизмда ҳам учрамайди. Бу на универсализм ва на релятивизм. Бу чуқур плюрализм. Бу диний-давлат унитаризмга интилишидан қуролли ҳимояга муҳтож бўлган Плюрализм. Бу ерда таъқиб этилаётган плюрализмнинг жамоа идеали ҳар*

*бир дин вакилидан плюралистик фазилатларнинг фаол тарқатишни ва улар орасидаги ижобий идеал таъсирини талаб қилади. (Connolly 2005, 64-65)*

Шунингдек, Диана Эк (Diana Eck), плюрализм бўйича Гарвард лойиҳасини директори, турли динлар ва дунёқарашлар орасидаги принципал ўзаро таъсир муҳимлигини таъкидлайди. Ўзининг “плюрализмнинг янги парадигмаси” чақириғида Эк (санасиз) шундай езади:

*Плюрализм – бу нафақат хилма-хиллик, балки хилма-хиллик билан кучли ўзаро таъсир ҳолатидир. Хилма-хиллик ўзаро ҳаракатга эга диний геттоларнинг яратилишини англатади. Бугунги кунда диний хилма-хиллик – бу воқелик, плюрализм эса ютуқ. Реал учрашувлар ва муносабатларсиз оддий хилма-хиллик бизларнинг жамоаларимизда кучланишни ортишига олиб келади. Плюрализмнинг янги парадигмаси биздан мажбуриятларими ва шахсиятимиздан воз кечишимизни талаб қилмаяпти, чунки плюрализм – бу мажбуриятлар тўқнашуви. Демак, бизнинг энг чуқур фарқларимиз, ҳатто диний фарқларимиз ҳам ўзаро таъсирда бўладилар*

Биз Экнинг фикрига қўшилаемиз, лекин шунини айтиш жоизки янги йўналиш янги истиқболга етишиш учун фойдали бўлади. Бугунги кунда “плюрализм” сўзи мажбуриятларни релятивистик бўлмаган мажбуриятлар тўқнашуви эмас, балки оддий релятивизмни белгилаш учун қўлланади. (Sacks, 2007). Шундай қилиб, биз “плюрализм” сўзини ёнига бир модификатор қўшамизки, у ўйланган нарса юзаки релятивистик толерантликдан қизиқроқ бўлгани ҳақида огохлантириб туради. Бизнинг фикримизча плюрализмга бўлган қарашни тўла-тўқис акс эттира оладиган модификатор – бу “аҳдлашув” сўзидир.

### **Аҳдлашув плюралиزمи ўзи нима..... ва у нима эмас**

Бизнинг фикримизча “аҳдлашув” сўзининг асосий моҳияти шундаки, унда нафақат қоидалар муҳим, балки ўзаро муносабатлар ҳам бутун, ҳамма тушуна оладиган мазмунни яратади. Транзакцион плюрализмдан фарқли ўлароқ, аҳдлашув плюралиزمи – бу ахлоқий маънони англатувчи чуқур ҳиссиётни билдирувчи омил. “Контракт” - рационал қоидалар орқали бошқариладиган одатдаги муносабатлар, уларни бузилиши муносабатларни тўхтатади. Лекин “аҳдлашув” плюралиزمи конкрет келишмовчиликлар ва бузилган нормалар чегараси ортида мавжуд. У қоидалар ва раҳмдиллик орасидаги нозик алоқани назарда тутаяди. Мустаҳкам плюрализмга бўлган бундай муносабат айниқса Ғарб чегараларида ўрф бўлган, у ерда кўпгина маданият вакиллари келишилган мажбуриятларга нисбатан жамоа қоидаларига амал қилишади. (Sacks, 2002; Sacks, 2007).

Аҳдлашув плюралиزمи концепцияси бир вақтни ўзида “тепадан пастга” бўлган ҳуқуқий ва сиёсий параметрлар ва “пастдан тепага” бўлган маданий қоидаларга тааллуқлидир. Аҳдлашув плюралиزمи гарчи бошқа диний ахлоқ нормаларини қабул қилмаса ҳам конституцион тенгҳуқуқли мажбуриятлар, ҳамда ўзаро ҳурмат маданияти, ўзгани

ҳимоя қилиш каби тартибга таянади. Ушбу ҳолат – нозик экуменизм ёки тушунарсиз синкретизм эмас, балки ижобий, амалий, релятивистик бўлмаган плюрализм. Бу фуқаролик ҳақиқати ва инсоний бирдамлик парадигмаси, хилма-хиллик натижасида синмайдиган глобал дўстлик шартномаси. Биз “аҳдлашув” тушунчасини қўллашимиз сабаби у ҳар қандай дин вакиллари ва бирорта динга таалуқли бўлмаган инсонларга нисбатан ишлатилиши мумкин. Албатта, турли диний анъаналар – қисман, Иброҳимий таълимот, айнан иудаизм, христианлик ва ислом дини “аҳдлашув” тушунчасини ўзига хос контекстларда махсус диний шаклларда фойдаланишади. Аммо плюрализм контекстида “аҳдлашув” тушунчаси бутун дунё диний /дунеқарашнинг хилма-хил шаклларида бошқа маънода қўлланилади.<sup>10</sup> Биз ишлатадиган тушунча инсон ҳуқуқлари халқаро ҳужжатларда фойдаланиладиган маънога яқин, масалан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги Халқаро пакт ёки уй ҳўжаликлари эгалари жамоаси. Ҳар бир инсон қабул қилинган умумий қўшначалик қоидаларига риоя қилиши керак. Джонатан Сакс, 2002 йилда босмадан чиққан “хилма-хилликлар қадр-қиммати” китоб муаллифи ва Бирлашган Қиролликнинг аввалги бош раввини узоқ вақт “аҳдлашув” тушунчасини маъноси ҳақида кўп фикр юритган ва унинг маънавий келиб чиқиши, ишлатилиши ҳақида қуйидаги таърифни берган:

*Аҳдлар каттароқ гуруҳларга таалуқлидирки, биз улар орқали ўхшашликни ривожлантирамиз. Улар “мен” ичида мен кашф этган “биз” сўзига аҳамият қаратадилар. Аҳдлашув муносабатлари – бу ишончга асосланган муносабатлар. Аҳд – бу қизиқиш ёки фойда эмас, балки мансублик хусусияти. [Аҳд] биз грамматика ва синтаксис ўзаро алоқаларини ривожлантирган жойда, биз бошқа инсонларга ёрдам берган жойда, ва улар ҳам бизга беғараз ёрдам берадилар – шунда ишонч пайдо бўлади. (Sacks, 2002, 150–151).*

Давомида у тушунтиради:

[Аҳд] бизга - биз келажак учун ўтган замон васийлари эканлигимизна эслатади. У бизнинг тушунчамизни авлодлар занжиридаги ўз ўрнимизни англашимиз учун кенгайтиради. Аҳдлар – бу маънавий мажбуриятларга боғлиқ ҳаракатлардир. Уларнинг аниқ маънолари доимий баҳсларга сабаб бўладиган атамаларда шакллантирилган, лекин улар тадқиқот ғоялари, тошлари сифатида кўрилади, уларга қараб сиёсат ва амалиёт ҳақида фикр юритилади. (Сакс, 2002, 203)

Қисқаси, аҳдлашув плюралиزمи бутун (айни вақтда “тепадан пастга” ва “пастдан тепага”) узоқ давом этувчи ўзаро мадад тушунчаси. Бундан ташқари, биз аҳдлар плюралиزمи ҳақиқатан ҳам хилма-хиллигини таъкидладик, демак маҳаллий даражада у норматив легитим каби қабул қилинади. Шаклланган аҳдлашув плюрализм дастурхони атрофида ўзаро ҳаракатда бўладиган турли субъектлар ўрни бор. Таклиф қилинганлар эса бу ўзаро танланган космополитлар эмас. Уларнинг ўрнига дунёвийдан динийгача, фундаменталликдан модернистгача, ғарбдан шарқгача ва ҳоказо реалистик диапазон намоён бўлади. Бу плюрализм инсонларга нисбатан

---

<sup>10</sup> Аҳдлар партикуляр теологиясидан олинган ғоялар борки, уларни аҳдлашув плюрализм фалсафасида қўллаш мумкин.

камтарин муносабатни талаб этади, жамоаларда партикуляр ўхшашлик ва ҳимояланган чегараларда ўзига хос ҳақиқатлар ҳақида баён этади. (J. Patton 2018). Аҳдлар плюралиزمи ўз ичига фақат ўзига хос нарсаларни қамраб олади. Албатта, маълум чегаралар мавжуд, баъзи диний ва (ғоявий) субъектлар антиплюралистик ва чидамсиз бўлиши мумкин, улар билан гаплашишнинг ҳожати йўқ. Шундай бўлсада, баъзи диний жамоалар “ортодоксал” бўлган ички ишонч ва амалиётни сақлайдилар, ва бинобарин фуқаролар ҳаётида, ҳамда диний ҳаётда плюралист бўладилар. (Volf, 2011; Yang, 2014; Volf, 2015). Асосий нарса шундаки, бу жамоалар аҳдлашув плюрализмга ва унинг параметрларига қанчалик яқин, ўз ичида инсонларнинг жамоадан чиқиш ҳуқуқларини ҳурмат қиладиларми, уларга зуғум ўтказмайдиларми ва бошқа жамоаларни тенгҳуқуқли деб биладиларми (Hoover, 2016 й.).

Кўпчилик инсонлар учун бундай плюрализм осон ҳам, табиий ҳам эмас. Аммо хилма-хилликларни енгиш йўлида реал келажоги мавжуд, унда ҳам диний, ҳам ижтимоий ривожланиш бўлади. Аҳдлашув плюрализмни фалсафаси сэр Джон Темплтоннинг “конструктив рақобатдан прогресс келиб чиқади” (Templeton, 1998, 122) деган ижтимоий ўзгаришлар назариясининг марказий постулати билан кесишади, бу фикр бўйича аниқ руҳиятда (севги ва дўстликда), шунингдек тўғри шароитда (эркинлик ва ҳақиқатда) рақобатлар бор. Сэр Джон динда ва жамоада турғунликдан қочиш ва ривожланишни тезлаштириш учун турли томонлар орасида принципиал ҳамкорлик ва конструктив рақобат керак деб ҳисоблаган. Диндаги воқеликни чуқур ва кенг тушуниш, дин билан боғлиқ ижтимоий капитал ва амалиёт, шунингдек, динда ўзини намоён қилиш динамизми, юқори ҳаётийлик, - барчаси афзалликларга киради

### **Аҳдлашув плюрализмни яратилиши**

Биз аҳдлашув плюрализмни асосий таркибий қисмларини “эҳтимоллик шароити” нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда концепциялашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, шундай шароитлар борки, улар ҳар бири алоҳида ва биргаликда соғлом ва мустаҳкам плюрализм<sup>11</sup> мавжуд бўлиши учун етарли бўлсин. Ушбу шароитларни бир неча асосий категорияларга бўлиш мумкин.

Улардан биринчиси: диний эркинлик ва ишонч. Ўз ичига иккита аспектни олади: а) диний эркинлик/виждон эркинлиги, б) динларга/дунёқарашга тенг муносабатда бўлиш. Аҳдлашув плюрализмни контекстида бизнинг диний эркинлик ва ишонч тушунчаларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг (БМТУД) 18 моддасида қайд этилган.

*18 модда. Ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлигига эга; бу ҳуқуқ динни ёки ишончни ўзгартириш эркинлигини беради, шунингдек бир ўзи ёки бошқалар билан*

---

<sup>11</sup> “Имконият шартлари” тушунчаси Ғарбда фалсафа йўналишини ўзгартирган немис файласуфи Иммануил Кант фикридан келиб чиққан бўлиб, инсоният умуман бирон нарсани билиши мумкин эмаслигига эмас, балки инсон билимлари имконияти шартларига йўналтирилган.



*биргаликда, хусусий ҳолатда, ўқишда, амалиётда, ибодатда, диний анъаналарда ўз динини тарғибот қилиш ҳуқуқини беради.*

Берилган матнни редакцион кўмита томонидан ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш тарихини аҳдлашув плюрализмнинг намунаси сифатида кўриб чиқиш мумкин. (Glendon, 2001; Brink, 2003). Кўмитадаги муҳокама матнни турли хил сиёсий ва маданий тизимлар учун мақбул бўлишига йўналтирилган кўп кучни талаб қилди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини яратган инсонлардан бири, ҳитойлик П.С. Чанг (P.C. Chang) берилган принципларни қандайдир топ “ғарбийликдан” ҳимоя қилди. (Glendon, 2001, 142).

Аҳдлашув плюрализмни фундаментал келиб чиқиши шундаки, маънавиятга интилиш ва саволларга жавоб топиш ҳоқиқи трансцендент универсалдир. Шунинг учун ушбу интилишга қарама-қарши ҳар қандай тизимли репрессиялар ёки дискриминация инсон табиатига қарши бўлиб ижтимоий ва сиёсий номутаносибликка ҳисса қўшади. (Seiple ва Hoover, 2013). Аҳдлашув плюрализмни муҳити ҳақиқий мавжудлик табиатини ўрганиш эркинлигини ҳимоялашни талаб этади. Шунингдек, жамоат соҳаси - гарчи жамоат тартиби ва бошқаларнинг тенгҳуқуқлиги талабларига мувофиқ бўлса, трансцендент/маънавий воқеликлар ҳақидаги ўз эътиқодларингизга ишонмасдан ўз ҳаётингизни билимларингиз асосида ташкиллаштиринг (ёки қайта ташкил этинг), бошқалар билан алоқада бўлинг (ёки ажралиб чиқинг), трансцендент ва ҳақиқий воқелик ҳақидаги ҳақиқатни жамоат йўлида изланг ва энг чуқур эътиқодларингизни билдиринг.

Аммо биттагина эркинлик ҳуқуқи туб маънодаги аҳдлашув плюралиزمи учун зарур бўлган имкониятлар шароитини таъминлаб беролмайди. Дин эркинлигини ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини яратиш муҳим ҳаётий аҳамиятга эга, лекин бу аҳдлашув плюрализмга етишдик дегани эмас. Аҳдлашув плюралиزمи нафақат дин эркинлиги тартибини мувофиқлаштирувчи “қоидаларни”, балки алоҳида қийматга эга қоидаларни ўзаро муносабат нормаларини назарда тутати. Бошқача айтганда, диний/маънавий қарашлар чегарасидан чиққан маълум “аҳдлашув” муносабатлари ёки мажбуриятлари йўқлигида диний эркинликнинг маъноли қоидалари аҳамиятли бўлолмайди. Ҳаттоки, таклиф этилган мантиқий “тўғри” қоидалар ҳам аҳолининг кўпчилиги томонидан яқдилликни ёки дўстона муносабатларни билдирмайди, инсонлар бундай қоидалардан ўзларини олиб қочадилар.

Яхши шароитнинг иккинчи тури – бу диний билимдир. Юқорида айтилгандек, динни билмаслик кенг тарқалган бўлиб, у плюрализм тушунчасини жамоа ичида англамаганлигини билдиради. Одатда диний билим деганда биз “жаҳон динлари” мавзусида тест саволларига жавоб бўла оладиган билимдан ортиқроқ нарсани тушунамиз. Бунинг ўрнига биз реал маданий контекстлар тушунчасига эга диний билимни тушунамиз. Бу ерда мос ўхшашлик бўлиб хизмат қиладиган нарсалар математикани билиш ва реал масалалар ечиш малакасини талаб этувчи математик билимга эга бўлиш орасидаги фарқ. Айни пайтда диний билим уч қиррага эга. Диний билимдон бўлиши учун инсон (а) ўз дини ва диний анъаналарнинг тизимига эга бўлиши (айниқса инсонлар билан ҳамкорликда бўлиши), (б) яқин инсонларнинг

ахлоқий, эпистемологик, маънавий асосларга эга бўлиши, (в) конкрет контекстлардаги тарихий ва замонавий хусусиятларни билиши, улардаги мақсадли кўпконфессионал ўзаро таъсир - яъни берилган дастур ёки лойиҳани ишлаб чиқишини ақс эттирган маънавий, этник ёки ташкилий маданият хусусиятларига эга бўлиши керак. Ва ниҳоят, қулай шароитларни учинчиси иккинчиси билан боғлиқ – бу норелятивистик плюрализмнинг ижобий ҳақиқати талаб қилган фазилатларнинг ифодаланишидир. Аҳдлашув плюралиزمи – нафақа ёшига эга бўлмаган оғир меҳнат. У тарихни охирига етишини ваъда бермайди. Глобал меҳнат – бизнинг фарқланишимизга қарамасдан биргаликда яшаш имкониятини яратиш узоқ давом этувчи жараён, ва ҳар бир авлод вазифаси - кейинга авлодга ушбу қоидаларни ўргатиш ва мерос қолдириш. Аҳдлашув плюралиزمи доимо амалиётда бўлишни ва инсон характерида қуйидаги хусусиятларни ривожлантиришни талаб этади: камтарлик, ҳамдардлик, сабр-тоқат, жасорат, ҳақиқат, ўзаро боғлиқлик, ҳамкорлик, ўзини танқид қилиш ва ўзини тузатиш. Бу хусусиятлар турли диний дунёқарашга эга инсонларнинг ўзаро тинч яшаши учун зарур. Ички низолар кўпайгани сари ушбу хусусиятлар тобора муҳим ўрин тутди. Плюрализмнинг “ўзаро тушунишга” етган бахтли якунли сценарийси соддаликни қабул қилмайди. (Brink , 2012) Ички низоларга қарамасдан реал ҳаёт ҳавфи ва чалкаш. Одатда умумий позициялар мустақамлашади ва кўпгина деталлар пайдо бўлади. Идеалдан йироқ бўлган ҳақиқат ичра тинч ва дўстона яшаш – керакли жойда муносабатларни қабул қилмаслик ёки давом эттириш учун етук характерга эга бўлиш керак. Бундай диалогли фазилатларни сэр Жон Темплтон “диний камтарлик” деб атаган. Сэр Жон дин қоидаларидаги тараққиёт у билан бир фикрга эга бўлмаган кишиларга ҳурмат муносабатида бўлишга асосланганлигини таъкидлаган (Hermann, 2004). Ушбу муҳим муносабатларнинг калити ўзаро ҳурматдир. Ленн Гудман (2014, 1) ўзининг “Жамиятдаги диний плюрализм ва унинг қийматлари” китобида шундай ёзади: “Диний толерантлик гомогенизация эмас. Плюрализм фарқларни сақлайди. У талаб киладиган нарса – ҳурмат”. Ўз моҳиятини қурбон қилмасдан, бошқа шахсларнинг моҳияти ҳурмат қилиш. Бошқача қилиб айтганда, бошқани “ҳурмат қилиш” ҳар қандай эътиқодга ахлоқий эквивалентликни келтириб чиқариши шарт эмас.

Дарҳақиқат, чуқур муаммолар чиндан ҳам келишмовчиликка сабаб бўладиган ҳолатларда ёлғон келишув тузиш ҳурматсизлик бўлиши мумкин. Ҳурматнинг маъноси: ҳар бир инсон бошқа инсоннинг туғма қадр-қиммати хурмат қилиши, шу жумладан, бошқаларнинг чиқарган хулосалари униқидан фарқ қилса ҳам туғма виждон эркинлиги ҳурмат қилиши керак. Охир-оқибат, Плюрализм - виждон эркинлигининг муқаррар натижасидир. Шу сабабли, аҳдлашув плюрализм хусусиятларига эга бўлган жамиятда динлар ўртасида қурилган кўприкларнинг турлари “ўзароконфессионал” деб таърифланган. “Кўп конфессионалик” иймон билан дунёқараш ўртасидаги мос келмайдиган теологик фарқлар мавжудлигини аниқроқ кўрсатади. Хилма-хилликлар мулоқотда ёки лойиҳада доим ҳам биринчи ўринга чиқмайди, лекин баъзи контекстларда бундай фарқларни принципиал иштироки ҳеч бўлмаса бошқа шахсга бўлган ҳурматни кўрсатиш учун муҳим. Тажрибани кўрсатишича, ҳурматга етилганда амалий ҳамкорлик тезлашади.

“Ўзароконфессионал” (динлараро) сўзи, аксинча, теологияларнинг (илоҳиётни) чалкаштириш хусусиятига эга. Динлараро диалоглар чуқур хилма-хилликларни осонликча олдини олади ёки (янада ёмонроғи) самарали равишда сусайтиради. Динлараро мулоқотлар умумий қадриятларни таъкидлашда ёрдам бериши мумкин бўлсада, кўпинча улар бой бўлган ва бир-биридан ажралиб турадиган урф-одатлар ўртасидаги зиддиятларга эмас, балки одатдаги ўхшашликларга эътиборни қаратадилар. Умумий эътиқод ва қадриятларни юзага келиши фақат турли хил ахлоқий бошланғич нуқталарнинг бойлигини англашда аҳамиятга эга бўлади.

## Хулоса

Ижтимоий назария тарихида чуқур диний хилма-хиллик ва қарама-қаршиликларнинг жамиятга таъсирида пессимизм етишмаслиги кузатилмайди. Ахлоқий/эпистемологик бирдамликнинг йўқлиги кўпинча сиёсий беқарорлик ва ижтимоий патологиянинг манбаи сифатида кўрилади. Аҳдлашув плюрализм фалсафаси, бизнинг тафовутларимизни ҳисобга олган ҳолда яшаш ва яхши яшаш имкониятига нисбатан анъанавий равишда оптимистик бўлган батафсил қарашга риоя қилади.

Толерантлик риторикасидан фарқли ўлароқ, аҳдлашув плюрализм концепцияси чуқур хилма-хиллик билан боғлиқ мураккаб масалаларни тан олади ва ҳамма учун адолат ва фаровонликни тарғиб этувчи тузилмалар ва меъёрларнинг яхлит концепциясини таклиф қиладики, улар ҳатто илоҳиётда, қадриятларда ва турмуш тарзида кескин фарқ қилса ҳам, ҳамма учун гуллаб-яшнашга ёрдам беришади.

## Аҳдлашув плюрализи

-ҳар бир урф-одат учун хос бўлган умумий фазилатларни (масалан, камтарлик, раҳмдиллик, сабр-тоқат) талаб қилади ва уларни озиклантиради.

Илоҳиёт/дунёқараш фарқлари ва бошқалар билан ўзаро алоқалар қоидалари ҳақида ўз-ўзини акс эттиришни рағбатлантиради.

- барча одамларга, ҳар қандай динга мансуб кишиларга ҳам, бирор бир динни қабул қилмайдиганларга ҳам бир хил ҳурмат билан қарашлари учун тенг шароитларни яратишга интилади.

- биз дуч келадиган муаммоларнинг энг яхши ечимлари қарама-қаршилик ва ғоялар рақобати шароитида ҳар доим ҳам умумий манфаат йўлида пайдо бўлади деган фикрга асосланиб, бизнинг келишмовчилигимиздан фойдаланади;

-ҳар кимга ўз эътиқоди ва ҳаракатларини бошқаларга юклармасдан ифода этиш учун тенг имкониятларни тақдим этади;

- жамият ва давлат учун фойдали бўлган инклюзив фуқаролик концепциясини (шу жумладан, эксклюзив ҳақиқатни даъво қилувчиларни) қўллаб - қувватлайди ва озчиликлар кўпчилик каби ўйлаши ва ҳаракат қилиши кераклигини ҳеч қачон талаб қилмасдан унинг “ассимиляциясига” эмас, балки “кўпчилик” нинг бирлашувига олиб келади.

Афсуски, бугунги кунда кўплаб мамлакатларда, шу жумладан диний эркинлик ва хилма-хилликни риторик равишда эълон қиладиган баъзи мамлакатларда ҳам аҳдлашув плюрализм йўли танланмаяпти. Бироқ, йўлда кўрсаткичлар жуда кўп. Аҳдлашув плюрализмни ривожлантириш учун олдинги ва имкониятлар бутун дунёда мавжуд. Бундан ташқари, аҳдлашув плюрализмнинг (қайта) кашф этилиши, бизнинг фикримизча, нафақат умуминсоний ахлоқий идеаллар нуқтаи назаридан тўғри иш, балки маърифатли худбинликка интилишнинг ҳақиқий стратегиясидир.

Ҳар қандай мамлакат аҳдлашув плюрализмнинг тарихий йўлига риоя қилса (ёки уни тикласа), дин учун ҳам, давлатларнинг ўзи учун ҳам узоқ муддатли фойда келтиради. Аммо халқ ёки давлат тарихий жиҳатдан кенгрок ўтилган “пуританик” (фундаменталистик ёки дунёвий) бир хилликни танлаганда, барча фуқароларнинг ва қўшнилари фаровонлигига умид камаяди. Аҳдлашув плюралиزمни контекстни ривожлантириш плюрализм диний ва эпистемологик қарашлар бир бири билан фаол алоқада бўлишлари, ўзаро келишмовчиликларни бартараф этишлари ва барча миннатдорчиликлар учун тинч қўшничиликка қўшилиш эҳтимолини оширади.

## **Эътироф**

Ушбу мақола Templeton Din Trust ҳайрия фондига тегишли Аҳдлашув Плюрализмнинг Ташаббуси томонидан молиялаштирилган катта лойиҳанинг бир қисмидир.

## **Муаллифлар ҳақида**

**В. Кристофер Стюарт** (фалсафа доктори, Notre Dame Университети) – грант дастурлари бўйича вице-президент ва штаб-квартираси Багама оролларида жойлашган Templeton Religion Trust фондининг грантлар бўйича бош ходими. У фондда 2013 йилдан ишлайди, аввал Хоутон Колледж (Houghton College) факултетида 20 йил фаолият юритган ва у ерда фалсафа профессори бўлиб Инжил тадқиқотлари, теология ва фалсафа декан ўринбосари бўлган.

**Крис Сайпл** (фалсафа доктори, The Fletcher School of Law and Diplomacy) – Глобал Иштирок Институтининг фахри президенти ва Templeton Religious Trust фонди 3 Плюрализм Ташаббуси бош маслаҳатчиси. АҚШ денгиз пиёдалари корпусининг собиқ ходими. У Вашингтон университетининг Жексон халқаро тадқиқот мактабининг қиёсий диншунослигининг катта илмий ходими ва тараққиёт агентлигининг ишонч ва имконият ташаббуслари Марказининг катта маслаҳатчиси.

**Деннис Р. Гувёр**, (Oxford University, сиёсий масалалар бўйича фалсафа доктори) “иймон ва халқаро муносабатлар шарҳи” муҳаррири, Templeton Din Trustининг Аҳдлашув Плюрализм Ташаббуси бўйича тадқиқот маслаҳатчиси ва Глобал

институтининг катта илмий ходими. У “Дин ва америкача ўзига хослик” китоби муҳаррири (2014), шунингдек “Дин ва хорижий ишлар” китоби ҳаммуаллифи (2012), ва иккита Routledge қўлланма: “Дин ва ҳавфсизлик бўйича” (2012), шунингдек диний билим, плюрализм ва унга интилиш ҳақидаги яқинда нашр этилиши кутилаётган қўлланма ҳаммуаллифи .

#### **Фойдаланилган адабиёт:**

Барри, Джон. 2012. Роджер Уильямс ва Америка қалбини яратиш. Нью-Йорк: Викинг.

Башем, Артур Ллевелин. 1954. Ҳиндистонда бўлган мўъжиза. Лондон: Сидгвик ва Джексон.

Бежан, Тереза М. 2017. Оддий фуқаролик: келишмовчиликлар ва рухсат этилган чегаралар.

Кембридж, Массачусетс: Гарвард университетининг матбуоти.

Бергер, Питер Л. 2014. Замонавий кўп меҳроблар: Плюрализм даврида дин учун парадигма томон. Бостон, Массачусетс: Де Грюйтер

Бхаргава, Раджиев. 2012. “Давлатлар диний хилма-хилликка қандай муносабатда бўлишлари керак?”. Дин ва дунё ишларини қайта кўриб чиқиш. Тимоти Самуэл Шах, Альфред Степан ва Моники Даффи Тофт томонидан таҳрир қилинган, 73-84. Оксфорд: Оксфорд университетининг матбуоти

Бринк, Пол А. 2003. “Халқаро Инсон ҳуқуқларини муҳокамаси”: Дин иштирокчилари учун “Олтин ўрта” Ишонч ва халқаро муносабатларни кўриб чиқиш.

Бринк, Пол А. 2012. “Сценарийсиз сиёсат”. “Комментарии” журнали, 1 ноябр.

<https://www.cardus.ca/comment/article/politicswithout-scripts/>

Карлсон-Тиз, Стэнли. 2018. “Норозилик ва барака” - фуқаролик плюрализмнинг фуқаролик шарти. Жамоавий адолат кўриниши.

[http://cpjustice.org/index.php/public/page/content/pir\\_dissatisfaction\\_b](http://cpjustice.org/index.php/public/page/content/pir_dissatisfaction_b). Адолат 8:

Чаплин, Джонатан, 2016. “Эркинлик, дунёвийлик, кўплик: принципиал плюрализм илоҳиёти томон”. Жамоа теологиясининг халқаро журнали 10. 354-380. Коннолли, Уильям И. 2005. Дьюкс университети матбуоти.

Дэвис, Джеймс Кальвин, нашр 2008. Диний эркинлик ҳақида: Роджер Уильямс асарларидан парчалар. Кембридж, Массачусетс: Гарвард университети матбуоти.

Дуглас, Мэри. 1970. Табиий рамзлар: космологияда тадқиқотлар. Нью-Йорк: Пантеон.

Эберли, Эдвард Дж. 2004. “Роджер Уильямсдан яна битта тўхфа: аёлларни дин эркинлигига ҳуқуқлари: Джошуа Верин v. Таъминот Плантациялари”. Роджер Уильямс Университетининг ҳуқуқни қайта кўриб чиқиш. Весна: 399–407. Еск, Diana. 2020.

“Хилма-хилликдан плюрализм томон”, “Плюрализм” лойиҳаси.

<https://pluralism.org/from-diversity-to-pluralism>.

Эк, Диана. “Плюрализм нима?” Плюрализм лойиҳасини Веб-сайти, Гарвард университети. 20 апрель 2020. <https://pluralism.org/about>.

Гаустад, Эдвин С. 1999. Виждон эркинлиги: Роджер Уильямс Америкада. Пруссии Қироли, Пенсильвания: Джадсон матбуоти.

Гейсс, Мэри Эллен. 2020. “Бу колледжларни келишмовчиликларни енгиш бўйича лабораторияларга айлантиришмоқчи”. Аспен Институти, 7 февраль.

<https://www.aspeninstitute.org/blog-posts/these-colleges-want-to-make-their-campuses-laboratories-for-bridgingdivides/>.

Глендон, Мэри Энн. 2001. Янги дунё: Элеонора Рузвельт ва Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси. Нью-Йорк: Random House.

Гудман, Лен. 2014. Жамиятда диний плюрализм ва қадриятлар. Кембридж: Кембриджского университетининг матбуоти.

Гиннес, Ос. 2013. Глобал жамоа майдони: ақидапарастлик эркинлиги ва хилма-хилликлар учун ҳавфсиз дунёнинг яратилиши. Даунерс-Гроув, Иллинойс: Intervarsity матбуоти.

Хефнер, Роберт В. 2016. “Глобал даражада чиқиш: икки плюрализм антропологияси”. Жамият, 53 (1): 13–19.

Херрманн, Роберт. 2004. Сэр Джон Темплтон: Диний кашфиётларни тадқиқотларини илмий қўллаб-қувватланиши. Тузатилган нашр. Рэднор, Пенсильвания: Templeton Foundation матбуоти.

Гувер, Деннис Р., нашр 2014. Дин ва америкача ўзига хослик. Оксфорд: Рутледж.

Гувер, Деннис Р. 2016. “Қўшма Штатларда плюралистик ҳақиқатга плюралистик ҳаракат”. Жамият, 53 (1): 20–27. Херд, Элизабет Шакман. 2015. Диний эркинлик ортида: янги глобал дин сиёсати. Принстон, Нью-Джерси: Принстон университети матбуоти.

Иназу, Джон. 2016. Аниқ плюрализм. Чикаго, Иллинойс: Чикаго университети матбуоти.

Joustra, Роберт. 2020. “Аҳдлашув плюрализм координаталари: 21 асда плюрализм назариясини акси”. Ишонч ва халқаро муносабатлар кўриб чиқилиши, 18 (4): 18–34.

Келлер, Тимоти ва Джон Иназу. 2020. Ноодатий тупроқ: хилма-хилликлар ичра ҳақиқий ҳаёт. Нэшвилл: Томас Нельсон.

Маккиндер, Хэлфорд Джон. 1996 [1919]. Демократик идеаллар ва ҳақиқат: реконструкция сиёсатининг тадқиқоти. Вашингтон, Колумбия округи: Миллий ҳимоя Университети матбуоти... Ҳимоя классик матбуоти.

- Маклур, Джоселин ва Чарльз Тейлор. 2011. Секуляризм ва виждон эркинлиги. Кембридж, Массачусетс: Гарвард университетининг матбуоти.
- Махмуд, Саба. 2016. Дунёвий даврда диний хилма-хилликлар: озчиликлар доклади. Принстон, Нью-Джерси: Принстон университетининг матбуоти.
- Марсден, Джордж. 2015. “Инклюзив плюрализм: плюралистик жамиятда диннинг конструктив таклифи”. First Things. Феврал.  
<https://www.firstthings.com/article/2015/02/a-more-inclusive-pluralism>.
- Монсма, Стивен. 1992. Ижобий нейтралитет. Нью-Йорк: Прегер.
- Нео, Жаклин. 2020. “Плюрализмни бошқариш: диний барқарорлик ҳақида қонунлар ва Сингапурда мустақкам плюрализм учун имкониятлар”. Ишонч ва халқаро муносабатлар кўриб чиқилиши, 18 (3): 1–15.
- Патель, Эбу. 2016. Ўзаро конфессионал етакчилик: дарслик. Бостон, Массачусетс: Веасон матбуоти.
- Патель, Эбу. 2018. Кўпдинлик: диний хилма-хиллик ва америкача ваъда. Принстон, Нью-Джерси: Принстон университети матбуоти.
- Патель, Эбу. 2020. “Кампус ва маданий урушлар”. Ред. Inside Higher. 13 феврал.  
<https://www.insidehighered.com/blogs/conversations-diversity/campus-and-culture-wars>.
- Паттон, Джеймс. 2018. “Ўзароконфессионал муносабатларда эксклюзивистлар”. Халқаро муносабатларда ишончни кўриб чиқилиши, 16 (3): 23–33. Паттон, Лори Л. 2006. «Прагматик плюрализм томон». Эмори журнали. Куз.  
[https://www.emory.edu/EMORY\\_MAGAZINE/autumn2006/essay\\_pluralism.htm](https://www.emory.edu/EMORY_MAGAZINE/autumn2006/essay_pluralism.htm).
- Паттон, Лори Л. 2018. “Америкага афсоналар керак”: Эбу Пателнинг “Кўп динлардан”: диний хилма-хиллик ва америкача ваъда, очеркига жавобан фундаментал нарративлар, Эбу Патель таҳрири остида, 151-179. Принстон, Энджей: Принстон университети матбуоти.
- Пью Тадқиқотлар Маркази. 2018. “Динга бўлган чегаралар оқими”. Пью Тадқиқотлар Маркази. <https://www.pewforum.org/2018/06/21/global-uptick-in-government-restrictions-on-religion-in-2016/>.
- Протеро, Стивен. 2010а. Худо ягона эмас: дунёни бошқарувчи саккизта рақобатдош динлар ва нима учун уларнинг фарқлари аҳамиятга эга. Сан-Франциско, Калифорния: HarperOne.
- Протеро, Стивен. 2010б. “Диний хилма-хилликлар ҳақиқатдир (толерантлик эса оддий фазилат бўлиши мумкин)”. Диний хатлар, 24 июнь.  
<https://religiondispatches.org/religious-differences-are-real-and-tolerance-can-be-an-empty-virtue/>.

Репуччи, Сара. 2020. Жаҳон ичра эркинлик 2020: раҳбарсиз демократия учун кураш. Вашингтон, округ Колумбия: Freedom House. <https://freedomhouse.org/report/freedom-world/2020/leaderless-struggle-democracy>.

Роули, Мэтью. 2017. “Ҳамма гўё муқаддас урушда каби”: Роджер Уильямс наздида “радикал эътиқодлар ва онгдаги таъқибдан қутулиш”. Халқаро муносабатларда ишончни кўриб чиқиш, 15 (2): 66–76.

Сакс, Джонатан. 2002. Хилма-хиллик қадр-қиммати. Лондон: Continuum.

Сакс, Джонатан. 2007. Биз бирга қураётган уй: жамиятни қайта тиклаш. Лондон: Continuum. Сайпл, Крис. 2012. “Ўзига хослик маъноси: Роджер Уильямс ва Америкада дин эркинлигини пайдо бўлиши”. Халқаро муносабатларда ишончни кўриб чиқиш, 10 (2): 13–19.

Сайпл, Крис. 2018а. “Ишончни диний миллатчилик енгиши мумкин: мана шундай”. Бутун дунё иқтисод форуми, 18 апрель. <https://www.weforum.org/agenda/2018/04/faith-can-overcome-religious-nationalism-heres-how/>.

Сайпл, Крис. 2018b. “Аҳдлашув плюрализм чақириғи”. Темплтоннинг динлар ва дунё ишлари ҳақидаги маъруза. Ташқи сиёсат тадқиқотларининг Институти, 13 ноябрь. <https://www.fpri.org/article/2018/11/the-call-of-covenantal-pluralism-defeating-religious-nationalism-with-faithful-patriotism/>.

Сайпл, Роберт А. ва Деннис Р. Гувер. 2004. Дин ва ҳавфсизлик: халқаро муносабатларда янги алоқалар. Лэнхэм, Мэриленд: Роуман ва Литтлфилд.

Сайпл, Крис ва Деннис Р. Гувер. 2013. “Ақидапарастлик эркинлиги ва умумий ҳавфсизлик”. “Диний эркинлик келажагида”, Аллена Д. Герцке таҳририда, 315–330. Оксфорд: Оксфорд университети матбуоти.

Селигман, Адам, Рэйчел Вассерфаль ва Дэвид В. Монтгомери. 2016. Хилма-хилликларга тўла ҳаёт: ажралган дунёда жамиятни қандай қуриш мумкин. Окленд: Калифорния университети матбуоти.

Сингха, Сара. 2017. Индуизм ва ақидапарастлик эркинлиги: инжил, диний ва қонуний матнларнинг тўплами. Вашингтон, Колумбия округи: Дин, дунё ва халқаро муносабатлар бўйича Беркли Маркази, Джорджтаун университети.

Скиллен, Джеймс В. 1994. Америка тажрибасининг қайта қувватлаш: ҳақиқий фуқаролик жамият учун плюрализм принципи. Гранд-Рапидс, Мичиган: Бейкер Букс.

Сопер, Крис, Кевин ден Далк ва Стивен Монсма. 2017. Плюрализм чақириғи: олти демократия ичра черков ва давлат. Лэнхэм, Мэриленд: Роуман ва Литтлфилд.

Стюарт, В. Кристофер. 2018. “АҚШ департаментида филантропия бўйича вазирлар комиссиясининг чиқиши”, 24 июл, [https://assets.aspeninstitute.org/content/uploads/2018/10/Ministerial-Panel-Remarks-23JULY2018-Chris-Stewart-1.pdf?\\_ga=2.146392060.956419236.1585346935-1222409484.1584028242](https://assets.aspeninstitute.org/content/uploads/2018/10/Ministerial-Panel-Remarks-23JULY2018-Chris-Stewart-1.pdf?_ga=2.146392060.956419236.1585346935-1222409484.1584028242).



Тейлор, Чарльз. 2010. “Плюрализм даврида бирдамлик”. IWMpost, апрел-август. Institut für die Wissenschaften vom Menschen маълумотлар бюллетени. № 104.

Темплтон, Джон. 1998. Камтарин йўналиш. Фарбий Консохокен, штат Пенсильвания: Темплтон.

Темплтон, Джон. 2000. Юз карра ортиқ маънавий маълумот олиш имконияти: Илоҳиёт ва илмда камтарин йўналиш. Фарбий Консохокен, штат Пенсильвания: Темплтон матбуоти.

Вольф, Мирослав. 2011. “Христианлар ва эксклюзивист мусулмонлар учун плюрализм сиёсий лойиҳа каби”. Халқаро муносабатларда ишончни кўриб чиқиш, 9 (3): 51–62.

Вольф, Мирослав. 2015. Гуллаш: бизга глобаллашган дунёда дин нимага керак. Нью-Хейвен, Коннектикут: Йель университети матбуоти.

Ян, Фэнган. 2014. “Агентликлар томонидан бошқариладиган секуляризация, ва замонавий кўпликлар шароитида хитойликлар тажрибалари”. “Замонавийликнинг кўп меҳроблари: плюрализм даврида дин парадигмаси томон” китобида, Питер Л. Бергера таҳрири остида, 123–140. Бостон, Массачусетс: Де Грюйтер.